



SOME THEORETICAL ISSUES OF MODERN TEACHING METHODS OF CIVIL LAW

SH.RUZINAZAROV^a

Tashkent State University of Law, Tashkent, 100047, Uzbekistan

НЕКОТОРЫЕ ТЕОРЕТИЧЕСКИЕ ВОПРОСЫ МЕТОДОВ СОВРЕМЕННОГО ОБУЧЕНИЯ ГРАЖДАНСКИХ ПРАВОВЫХ ДИСЦИПЛИН

Ш.РУЗИНАЗАРОВ^a

Ташкентский государственный юридический университет,

ФУҚАРОЛИК ҲУҚУҚИЙ ФАНЛАРНИ ЗАМОНАВИЙ ЎҚИТИШ МЕТОДЛАРИНИНГ АЙРИМ НАЗАРИЙ МАСАЛАЛАРИ

Ш.РУЗИНАЗАРОВ^a

Тошкент давлат юридик университети

Аннотация: мазкур мақолада мамлакатимизда юксак малакали ҳуқуқишунос кадрларни тайёрлаш жараёнида фуқаролик ҳуқуқий фанларни ўқитишнинг назарий ва амалий методикасининг ўзига хос жиҳатлари, замонавий юридик билимларни эгаллашнинг ривожланиш тенденциялари, соҳадаги илмий-инновацион ёндашувларнинг талқини, юрист-педагогнинг маҳорати ва юридик педагогиканинг муаммоли мақсадли масалалари ёритиб берилган.

Калит сўзлар: юридик таълим, метод, фуқаролик ҳуқуқий фанларнинг ўқитиш методикаси, таълим стандартлари, ўқув жараёни, юрист-педагог, педагогик маҳорат, юридик кадрлар, замонавий педагогик технологиялар.

Аннотация: в данной статье раскрываются: своеобразные аспекты теории, практики и методики обучения гражданско-правовых дисциплин; тенденции развития современного юридического образования; научно-инновационные подходы в данной сфере; мастерство юриста-педагога; проблемно-целевые вопросы юридической педагогики в процессе подготовки квалификационных юридических кадров в нашей стране.

Ключевые слова: юридическое образование, метод, методика преподавания гражданско-правовых дисциплин, образовательные стандарты, учебный процесс, юрист-педагог, педагогическое мастерство, юридические кадры, современные педагогические технологии.

Annotation: this article discusses the aspects of the theory and practice of teaching methodology of civil law disciplines, tendencies of developing contemporary legal education, scientific-inovative approaches in this sphere, high competence of teachers in legal education and problematic-purposeful issues of legal pedagogics in the process of training highly qualified cadres in legal field of our country.

Keywords: qualified legal personnel, methodology for teaching civil law, student learning topics, assignments and guidelines, classroom evaluation criteria, use of modern pedagogical technologies,

improved effectiveness of workshops with practical practitioners, student application of civil law and Forming skills related to document preparation.

Мамлакатимизда юксак малакали ҳуқуқшунос кадрларни тайёрлашда фанларни, шу жумладан юридик фанларни ўқитиш самарадорлигини ошириш муҳим аҳамият касб этади. Дарҳақиқат, юридик таълимни ривожлантирмасдан ва замон талабларига жавоб берадиган юксак маънавиятга эга бўлган ва ҳуқуқий илмни мукамал ўзлаштирмаган ҳуқуқшунос кадрларсиз инсонпарвар ҳуқуқий давлатни барпо этиб бўлмайди. Ҳуқуқий илм-фан ва юридик таълим узвий боғлиқ тушунчалардир. Шу боис илм-фан ривожланмасдан туриб юридик таълим тизимида улкан муваффақиятларга эришиш мушкул масаладир.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев таъкидлаганидек, бугунги замон барча соҳалар қаторида илм-фанни ҳам янги босқичга кўтаришни талаб қилмоқда. Зотан, жамият олдида турган долзарб масалаларни илм-фансиз ечиш қийин. Мазкур соҳани ва олимларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш давлатимизнинг устувор вазифаларидандир [1].

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги Фармони билан тасдиқланган 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасининг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида юридик кадрларни тайёрлайдиган олий таълим муассасалари фаолиятини янада такомиллаштириш вазифаси назарда тутилган. Хусусан, Тошкент давлат юридик университетининг ўқув режаси ва дастурларини ишлаб чиқиш бўйича ваколатларни кенгайтириш; университетнинг жамоатчилик бошқарув органи – Ҳомийлик кенгашини тасдиқлаш, унинг таркибига суд ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг раҳбар ходимларини, ННТ, таълим ва тадқиқот муассасаларининг вакилларини киритиш, унинг зиммасига университетни ривожлантириш стратегиясини ишлаб чиқишга, халқаро ҳамкорликни кучайтиришга, ўқув жараёнининг шакллари ва методларини ишлаб чиқишга қўмаклашиш вазифаларини юклаш, халқаро суд ва арбитражларида иштирок эта оладиган, юридик ва жисмоний шахсларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қила оладиган юридик кадрларни тайёрлаш, юридик кадрларни тайёрлаш соҳасида етакчи халқаро ташкилотлар, халқаро таълим муассасалари, маслаҳат марказлари, олим ва мутахассислар билан ҳамкорликни йўлга қўйиш билан боғлиқ амалий тадбирлар кўзда тутилган.

Ҳозирги пайтда энг долзарб муаммолардан бири юридик фанларни, хусусан, Фуқаролик ҳуқуқи фанини ўқитишнинг назарияси ва методикасини такомиллаштириш ҳисобланади. Чунки Фуқаролик ҳуқуқи фанини ўқитишнинг илмий-назарий муаммоларини ўрганмасдан кўзланган мақсадга эришиш мушкул масаладир. Энг аввало, шуни таъкидлаш керакки, фуқаролик ҳуқуқи ҳуқуқнинг энг мумтоз соҳасидир. Фуқаролик ҳуқуқи мулкӣ ва у билан боғлиқ номулкий муносабатларни тартибга солинадиган нормаларни ўзида мужассамлаштиради. Фуқаролик ҳуқуқини ўқитиш назарияси ва методига асосан мумтоз таълим методлари маъруза, семинар-амалий машғулотлар тарзида олиб борилади. Шунингдек, уни ўқитишда замонавий ўқитишнинг энг илғор ва самарали усулларидан фойдаланилади. Амалдаги таълим стандартларига асосан Фуқаролик ҳуқуқи умумқасбий фанлар сирасига кириб хусусий ҳуқуқ тизимида ўзига хос мавқеини эгаллайди. Юриспруденция соҳаси бўйича асосий ва махсус ўқитиладиган ҳуқуқ соҳасидир. Фуқаролик ҳуқуқи – Ўзбекистон миллий ҳуқуқ тизимида энг катта ва муҳим соҳаси сифатида ўрин эгаллайди. Фуқаролик ҳуқуқи билан тартибга солинадиган муносабатлар шахс, давлат ва жамият учун ғоятда муҳим аҳамият касб этади. Демак, шахс, давлат ва жамиятнинг ҳуқуқий ҳолати фуқаролик ҳуқуқи билан тартибга солинадиган ижтимоий муносабатларга узвий боғлиқдир. Фуқаролик ҳуқуқи нормаларисиз унинг субъектлари фаолияти ва ўзаро муомаласини тасаввур этиб бўлмайди. Мулк ҳуқуқи, мажбурият ҳуқуқи институтлари бевосита жамиятнинг иқтисодий негизлари иқтисодий муомала билан бевосита боғлиқлигини назарда тутсак, бу фаннинг шахс, давлат ва жамият ҳаётида нақадар муҳим аҳамият касб этишидан далолат беради.

Метод (methods грек тилидан олинган бўлиб) маъноси – тадқиқ этиш йўли назария, таълимот демакдир. Бошқача айтганда, теварак-атрофни билиш ёки аниқ мақсадга эришиш усулидир. Фуқаролик ҳуқуқи фанини ўқитишда бир қатор методлар қўлланилиши мумкин. Биринчиси – тушунтириш-кўрсатиш. Унинг моҳияти шундаки, педагогик ходимлар турли воситалар билан тайёр ҳуқуқий ахборотни беради, талаби эса уни тушуниб, англаб ўзига муҳим жиҳатларни қайд қилиб олади. Иккинчиси – репродуктив метод. Унга кўра, педагогик ходим олинган ахборотни, кўрсатилган воситалар орқали ҳосил қилинган билимларни ўзлаштиришни ташкил этади.

Педагогик фаолият инсон меҳнатининг энг мураккаб соҳалардан бири ҳисобланади.

Юрист педагогнинг олдида турган энг муҳим вазифа бу предметни яхши билишининг ўзи етарли эмас. У ёки бу даражада педагогик маҳоратга эга бўлиши, педагогик жараённинг барча сир-асрорларини, унинг шакллари, талабани ўқитиш методларини пухта эгаллаган бўлиши керак.

Педагог олим П.Ф.Контерев фикрича, ўқитиш, таълим, ўргатиш, тарбиялаш, ривожлантириш, мураббийлик илмини, билимни етказиш, жазолаш ва бошқа кўплаб сўзлар турли хосликка тарафлар, восита ва моментлар яхлит педагогик процесснинг муҳим имкониятлари бўлиб саналади. Бу таъриф муайян даражада ўқитувчининг талабага таъсирининг тарбиявий ва таълим жиҳатларини тўлиқ камраб олади. Юридик олий ўқув юртларида педагогик жараён деганда, ўқитувчининг талаба тафаккури ва хулқ-атворида таъсир кўрсатишнинг, яъни унинг олган назарий ва амалий билимларини келгусидаги меҳнат фаолиятида қўллаш мақсадида ўқув режаси, тизимли, узок муддатли таълим-тарбиявий амал ва усуллар йиғиндиси тушунилади [2].

Шундай қилиб, юридик олий ўқув юртида педагогик жараён “икки томонлама ўзаро таъсир этишдир. Бундай таълим ҳуқуқий муносабатларнинг асосий субъекти ўқитувчи ва талабадир.

Ўқитиш таълимнинг энг муҳим ва зарурий атрибутидир. Юридик олий ўқув юртида ўқитиш деганда, умумий ва махсус юридик билим бериш ҳамда зарурий малака ва кўникмаларни ҳосил қилиш тушунилади. Билим ўқитишнинг бош натижасидир. Машҳур педагог Л.П.Буванинг фикрича, “Педагогиканинг вазифаси (нафақат мактаб) ўқитиш ва тарбиялаш жараёнини бошқаришда ёрқин намоён бўлади. Олий ўқув юрти педагоги учун шу нарса муҳимки, материални билишнинг ўзи етарли бўлмай, уни талабанинг бойлигига айлантириш қобилиятига эга бўлиши лозим” [3].

Машҳур чехиялик педагог Я.А.Коменский нуқтаи назарига кўра, “ҳар бир инсон билимни яхши ўзлаштириши учун тўғри методларни танлаб олиши керак” [4]. Сўз педагогик таъсир кўрсатишнинг воситаси сифатида ҳеч қандай нарса билан алмаштириб бўлмайди. И.Е.Фербернинг фикрича, “ўқитишнинг техник воситалари педагогни сўзини ўрнини боса олмайди, шунингдек кўплаб техник воситалар сўзга асосланади, сўздан фойдаланилади. Бошқача айтганда, юридик олий ўқув юртларида бошқа ҳеч қандай метод сўзли-тушунтириш методининг ўрнини боса олмайди [5]. Швецариялик педагог И.Т.Песталоцци “кўргазмалли ўқитишни, ҳар қандай билимнинг фундаментал негизидир” [6] деб эътироф этади.

Цивилист олим Е.А.Суханов фикрича, фуқаролик ҳуқуқи предмети ўқитилишини ўзгартириш лозим. Фан сифатида ўқитилиши керак, амалдаги қонунчиликни шарҳлаш тарзида эмас. Ўқув предмети қонуншунослик эмас, балки ҳуқуқшунослик бўлиши зарур. Қонун нормасини эмас, балки асосий цивилистик тушунча ва конструкциялар, уни амалиётда қўллашнинг усул ва шакллари қонунчиликдаги мисолларни кўрсатган ҳолда ўқитилиши лозим [7].

Ўтган асрларда фуқаролик ҳуқуқини ўрганиш бўйича ўзгача фикрлар ҳукмронлик қилар эди. XIX аср охирида француз юристи Париж университетининг вице-ректору Лиарнинг фикрича, “Ҳуқуқ – бу ёзилган қонун. Шу сабабли юридик факультетларнинг асосий вазифаси қонунни шарҳлашга ўқитишдир, унинг методи эса дедуктивдир. Қонуннинг моддаси назарияни ўз ичига олиб унга боғлиқ ҳолда оқибатларига нисбатан қўлланилади. Бўлажак юрист – бу геометр, юридик тарбия – соф диалектикадир. Бу нуқтаи назар ўша давр учун хос бўлиб бугунги ҳаққонийликка тўғри келмайди. XIX–XX бошларидаги кодификацияланган қонунчилик яхлит ёпиқ бўлиб барча ижтимоий ҳаётдаги ҳуқуқий масалаларга ундан жавоб олиш мумкин бўлган. Шу боис юристнинг вазифаси кодекслардан бу жавобларни излаб топишдан иборат бўлган [8].

Бошқача айтганда, қонун қабул қилиган пайтдаги турғунлик илғор ғояларни унга киритиш имконини бермаган. Яъни қонуншуноснинг дунёқарашидан четга чиқиш мумкин бўлмаган.

Бугунги кунда миллий фуқаролик қонун ҳужжатлари босқичма-босқич такомиллаштириб борилмоқда. Шу боис бугунги кунда талабанинг билими етарли бўлмаслиги мумкин. Қолаверса, келажакдаги қонунчилик ҳолати ҳақида билим бериш ҳам мушкул масала ҳисобланади. Бугунги ҳуқуқшунос ўз олган билимларини такрорлаш, янгилаш, ўқиган материални умумлаштириш эвазига бўлажак касбий фаолиятга ўзини тайёрлаб бориши керак. Ушбу ўринда америкалик олим М.Ноулзанинг фикрини келтириб ўтиш диққатга сазовордир. “Ваҳоланки, кишиларни тайёрлаш бундай шахслар ўзгараётган шароитда ўз билимларини қўллашга қодир бўлади ва асосий ваколатлилик шундаки, ўзининг бутун ҳаёти мобайнида доимо ўз билимини ошириб бориш салоҳияти ва кўникмасига эга бўлиши лозим” [9]. Фуқаролик ҳуқуқининг ўқитиш методикаси ўқитувчи раҳбарлигида олинган билимларни мустаҳкамлашга, талабанинг мустақил ижодий ишини ташкил этишга хизмат қилади. Ўқитувчи ва талабанинг ўзаро ҳамкорлиги Фуқаролик ҳуқуқ фанини ўзлаштиришнинг асосий тамойилидир.

Учинчиси – муаммони баён қилиш методи. Педагог ходим ҳуқуқий дарсни олиб боришда ўзи муайян муаммони қўяди, ўзи ечади, унинг ҳал қилиш йўлини кўрсатади, ҳуқуқий ҳодисани илмий билишнинг намунасини изоҳлайди.

Тўртинчиси – хусусий изланиш ёки эвристика методи. Педагог ходим ушбу методни қўллашда ҳуқуқий масала ёки топшириқнинг жавобини топишга йўналтиради.

Бешинчиси – тадқиқот методи. Ушбу метод билимни ижодий қўллашни таъминлайди, илмий билиш методи орқали билим эгаллашга имконият яратади. Бу қазуслар, амалий масалалар, ҳуқуқий ҳужжатлар тузиш, педагог ходим раҳбарлигида муайян мавзунини тадқиқ этиб ўрганиши орқали амалга оширилиши мумкин. Билимни мустаҳкамлашнинг муҳим шартини машқлар асосида илмий тафаккурни ҳосил қилишга эришишдир.

Маълумки, вербал мулоқот ёки сўзлар ва ҳаракатлар инсонга таъсир этишнинг энг таъсирчан воситасидир. Шу боис педагог ходим ва ўқувчи ўртасида фанни ўзлаштиришнинг қудратли, керак бўлса, мўжиза яратувчи ижодий кучи фикрлар орқали фаннинг туб моҳиятини тушуниш ва англашдир.

Фуқаролик ҳуқуқи фанини ўзлаштириш даражаси ҳам, ўқитувчининг педагогик маҳоратига узвий боғлиқдир. Анализ (таҳлил) муайян яхлит ҳодисани уни ташкил этувчи қисмларга бўлиб таҳлил этиш маъносини англатади. Синтез унинг акси ҳисобланади. Унинг алоҳида элементи тимсолида яхлит ҳодиса ҳақида тасаввур ҳосил қилади. Қиёслаш – ҳуқуқий ҳодисани қиёслаш асосида унинг моҳияти тушуниб олинади. Умумлаштириш – ҳуқуқий ҳодисага ёки барча элемент ва компонентлар умумлаштирилиб ўрганилади. Далил – воқеа ва ҳодисага хос барча далилий исботлар тўпланиб, у ҳақида муайян аниқ амалий билим ва кўникма шакллантирилади. Хулосаларни шакллантириш – олинган билимларни ўзлаштириш баробарида муайян воқеа ва ҳодисаларга хос тегишли илмий, амалий хулосалар ишлаб чиқишга муваффақ бўлинади.

Эвристика метод йўли билан ўқитишнинг моҳияти шундаки, ўқитувчи раҳбарлигида талабага маъруза орқали чиқиш қилиш, мавзу бўйича вазифа ва машқларни бажариш, баҳс ва мунозара юритиш асосида талаба ҳуқуқий ҳодисани билиш ва тушуниш ва англаш имконига эга бўлади. Фуқаролик ҳуқуқи фанини ўқитишда қўлланиладиган эвристика метод орқали педагогик жараёнга ақлий фаолият руҳиятини беради. Хусусан, талабалар билан “ақлий ҳужум”, маъруза, консультация, суҳбатлар ўтказишдан тубдан фарқ қилади. Эвристика методда устуворлик талабанинг ўзига берилади. Ўқитишнинг эвристика методи асосан икки шаклда амалга оширилиши мумкин. *Биринчиси*, талаба уйга берилган вазифа ва машқни мустақил ечиб, семинар ва амалий машғулотларда уни таҳлил қилади ва ўз жавобларини беради. *Иккинчиси*, талаба ўқитувчи томонидан берилган муаммоли масалаларни ечиш, семинар машғулоти, маъруза билан чиқиш қилиши ва мустақил реферат мавзуларини бажариш орқали муҳокама қилиниб ўтказилади. Ўқитишнинг бундай шакли қадимги Греция ва Рим мактабларида кенг қўлланилган, яъни ўқитувчининг шарҳи ва хулосалари асосида ўқув машғулотлари олиб борилган.

Фуқаролик ҳуқуқини ўрганишнинг роли ва аҳамияти тобора ортмоқда. Чунки бўлажак юристнинг юриспруденция соҳаси бўйича малакали кадр бўлиб етишишида бу фаннинг тутган ўрни бекиёсдир. Фуқаролик қонун ҳужжатлари бўйича чуқур ва мустақил билимга эга бўлиш ҳуқуқшуносликнинг барча йўналишлари учун зарурдир. Яъни судья, адвокат, прокурор, нотариус, юрисконсульт, терговчи, участка инспектори, божхона, солиқ ходими ва бошқа соҳа мутахассислари ҳам Фуқаролик ҳуқуқи фани соҳаси бўйича билим ва амалий кўникмаларга эга бўлишни талаб этилади.

Маълумки, Фуқаролик ҳуқуқи курси анъанавий икки қисмга ажратиб ўрганилади. Биринчи қисми фуқаролик ҳуқуқининг умумий қоидалари, мулк ҳуқуқи, мажбурият ҳуқуқининг асосий қоидаларини ўз ичига қамраб олади. Иккинчи қисми мажбуриятнинг алоҳида турлари, шартномадан ташқари мажбуриятлар, муаллифлик ҳуқуқи, мерос, ворислик ҳуқуқи каби махсус ҳуқуқий институтларни ўзида ифода этади.

Фуқаролик ҳуқуқи нормаларини қўллашда амалиётчи мутахассис ўзининг қўлдан келгани амалий иш фаолиятида кўп маротаба дуч келади. Шу боис педагог ходим фуқаролик ҳуқуқининг назарий асосларини билиб қолмасдан, фуқаролик қонун ҳужжатларини амалиётда қўллаш бўйича билим ва кўникмаларга ҳам эга бўлиши талаб этилади. Бошқача айтганда, фуқаролик ҳуқуқи нормаларини аниқ ҳаётий вазиятларда татбиқ этиш кўникмаларига эга бўлиши зарур. Фуқаролик ҳуқуқи бўйича педагогик жараён педагог ходимнинг узоқ муддатли, тизимли равишда талабанинг келгусида амалиётда фойдаланиладиган билимини олиш, тафаккурини ҳосил қилишга таъсир этишнинг бутун босқичини ўзида ифода этади. Юридик олий ўқув юрларидаги педагогик жараён, икки томонлама “жараён”, икки томонлама ҳаракат жараёни бўлиб, бу таълим ҳуқуқий муносабат

марказида ўқитувчи ва талаба (магистр) туради. Юрист педагог ўз предметини мукаммал билишининг ўзи етарли эмас. Унинг асосий вазифаси педагогик маҳоратнинг сир-асрорларини ҳар томонлама пухта эгаллаб олган бўлиши лозим. Яъни юрист-педагог у ёки бу даражада педагогик жараённинг ўзи нима, унинг шакл ва усуллари нималардан иборат маъруза ўқиш ва семинарларни ўтказиш методикаси қандай бўлиши керак. Буларни жуда пухта ўзлаштириб олган бўлиши зарур.

Юриспруденция соҳаси бўйича кадрларни тайёрлашда талабаларни маънавий тарбиялашнинг роли ҳам жуда катта аҳамиятга эга эканлигини инобатга олиб, ўқув машғулотида тарбия ва таълимни уйғунликда олиб бориш маҳорати ва кўникмасига эга бўлиш лозим. Бу эса педагог ходимдан нафақат ўз фани, балки маънавият соҳаси бўйича асосий манбаларни пухта ўзлаштириб олишни ҳам зарурат қилиб қўяди. Чунки ҳуқуқшунослик дипломини олган мутахассис ўз амалий иш фаолиятида юзлаб инсонларнинг тақдирини ҳал қилади. Юристларни ахлоқий тарбиялаш нафақат дарс жараёнида, балки ўқитувчининг хулқ-атвори орқали талабаларга сезиларли таъсир кўрсатиш орқали амалга оширилади.

Таълим методикаси – алоҳида таълим жараёнида педагогик фаолиятда қўлланиладиган усул ва воситалар йиғиндисини ўзида акс эттиради. Ўқитиш методикасининг таркибий қисми сифатида ундан кўзланган мақсадга эришиш баробарида билим олиш ва ўрганишнинг шакл, усуллари ва тамойилларини қамраб олади.

Ўқитишнинг методи деганда, талабанинг муайян юридик фанни ўзлаштириш мақсадида талабага ўқитувчининг таъсир қилиш усули тушунилади. Юридик фанларни ўқитишнинг турли хил методлари мавжуд. Хусусан, сўзлаб бериш – тушунтириш методи, тасвирлаш методи, техник воситалардан фойдаланиш методи ва амалий ўқитиш методлари шулар жумласидандир. Бундан ташқари, ўқитишнинг актив (фаол) методи “Давра суҳбати” методи, “Ақлий хужум” методи, “Мунозара” методи, муаммовий метод – аниқ вазиятни таҳлил қилиш методи ва касбий муаммоларни ҳал қилиш методларининг афзалликларини ҳам таъкидлаш жоиз.

Фуқаролик ҳуқуқини ўқитишнинг турли хил туркумлинига эга бўлган маъруза, семинар ва амалиёт машғулоти орқали амалга оширилишини назарда тутсак, замонавий ўқитишнинг шаклланган энг илғор методларини педагогик фаолиятда самарали қўллашни талаб этади. Ўқитишнинг алоҳида турларини таҳлил этиш асосида уни Фуқаролик ҳуқуқи фанини ўқитишда қўлланиладиган муҳим жиҳатларга эътибор қаратиш мақсадга мувофиқдир. Ҳуқуқшунос кадрларни тайёрлашда юридик педагогиканинг асосий вазифаларидан бири тегишли ҳуқуқ соҳалари бўйича маърузаларга тайёргарлик кўриш ва уни ўтиш ҳисобланади. Ричард Бэндлер таъкидлаганидек, қайсидир предмет бўйича ўқитувчи муайян соҳа бўйича ваколатли ва у ҳақида кўп билиши мумкин. Бироқ улар одатда буни қандай ўрганганлиги ҳақида, яна бири улар бошқаларни ўқитишни кам биладилар. Олий ўқув юртлири ўқув жараёнининг муҳим қисми – бу маърузадир. Маъруза (лотинча *lectio*) ўқитувчи (маърузачи) томонидан тизимли, узлуксиз монолог тарзида ўқув материални, (одатда назарий тусдаги) баён этишдир.

Педагогик маҳорат малакасига эга бўлиш учта гуруҳга ажратиб ўрганилиши мумкин: лойиҳалаштириш, конструкторлик ва ташкилий. Лойиҳалаштиришда билимнинг намоён бўлиши: ўқитилаётганлар мутахассислигини ҳисобга олган ҳолда ўқитувчининг ўз маъруза курсини режалаштириш қобилияти; талабаларнинг мазкур курсни ўзлаштиришдаги қийинчиликларни назарда тутиши; талабаларнинг қийинчиликларни бартараф этиш учун зарур метод ва методик усулларни аниқлаш; ўқитиш жараёнида талабаларнинг эътирозларини англаш ва ҳисобга олиш ва келгусидаги педагогик фаолиятида ундан тегишли хулосалар чиқариш; ўзининг маърузасида турдош фанларнинг алоқасини ўрнатиш шулар жумласидандир.

Конструкторлик билишнинг намоён бўлиши: битта дарсга материалларни танлаш; мавзунинг асосий ўзагини ташкил этувчи тушунча ва қонуниятларни ажратиб ифода этиш; ушбу дарсда норматив ва назарий материалларнинг тўғри нисбатини топиш; дарснинг бир босқичдан иккинчи босқичга ўтишини мантиқий режалаштириш; назарий материалларни енгил ва оддий жойлаштиришни қийин ва мураккаб жиҳатларини изоҳлаш; мазкур мавзуга хулосалар қилиб бошқасига ўтиш; аудитория зерикашини ва талабанинг ҳиссиётларидаги тоқатсизликни олдиндан кўра билишлардан иборат.

Ташкилотчиликни билиш ўқитувчининг ўз вақтини ташкил этиш кўникмасига эга бўлиш, талабалар билан яқка тартибда ва жамоа бўлиб ишлашда, ўқув ишларида ўзаро ҳаракатда бўлишда улар фаолиятини тизимли назорат қилиб боришда намоён бўлади.

Хулоса қилиб айтганда, бўлажак ҳуқуқшунос юридик таълим олиш жараёнида тегишли илмий ва ҳуқуқий манбалардан самарали фойдаланиб бугунги кун талабаларига жавоб берадиган етук

кадрлар бўлиб етишишлари лозим. Ўқитувчи ва талабани ўзаро ҳаракати эса, ўз навбатида, уларни замонавий мутахассис сифатида тайёрлашнинг муҳим омили ҳисобланади.

Фуқаролик ҳуқуқи фани бўйича амалий билим ва англаш методикасини роли шундаки, семинар машғулотларида модулли ўқитишнинг турли усуллари қўлланган ҳолда амалга оширилиши лозим. Маълумки, семинар ва амалий машғулотларини ўтказишдан кўзланган асосий мақсад талабанинг маъруза назарий курсини чуқур ўзлаштириб олишига эришишдан иборатдир. Шунингдек, Фуқаролик ҳуқуқи фани бўйича ўтказиладиган семинар ва амалий машғулотлари талабани, мустақил фикрлашга, назорат қоидаларини мушоҳада қилишга, кўникмаларни шакллантиришга, тегишли асосланган хулосалар чиқариш ва нуктаи назарини ҳимоя қилишга ўргатади.

Фуқаролик ҳуқуқи фанини ўқитишда қўлланиладиган семинар машғулотларини ўтказишнинг энг муҳим усуллари ҳақида турли хил нуктаи назарларни билдириш мумкин. Биринчиси, ўтган мавзу бўйича коллквиумлар ўтказиш орқали ўқитувчининг қўйган муаммосини илмий-назарий таҳлил қилиш асосида ўз қарашларини ифода этиб беради. Талаба нафақат дарслик, ўқув-қўлланмаларни ўрганиш асосида, балки илмий адабиётлардаги материаллардаги фуқаролик ҳуқуқига оид манбаларни ўрганади, тизимли таҳлил этади, киёсий-ҳуқуқий услубдан фойдаланиб, у ёки бу фуқаролик-ҳуқуқий ҳодисанинг юридик табиатини аниқлайди ва шу аснода ўзининг назарий билимларини янада бойитади. Афсуски, семинар машғулотларида масаланинг ушбу жиҳатига етарли аҳамият берилмайди. Фуқаролик-ҳуқуқий ҳодисанинг назарий жиҳатларини пухта ўзлаштириш фактик амалиёт бўйича тўғри хулосаларни чиқаришга ёрдам беради.

Яна бир шаклланган усул семинар ва амалий машғулотлари даврида казуслар, муаммоли саволларнинг ечимини топиш, турли хил фуқаролик ҳуқуқий тусдаги ҳужжатларни мустақил тузиш ва ўз хатолари нималардан иборат эканлиги тўғрисидаги кўникмаларга эга бўлиши лозим. Бундан ташқари, Фуқаролик ҳуқуқи фани бўйича семинар ва амалий машғулотларида ролли ўйинлардан ҳам кенг фойдаланиш мақсадга мувофиқ. Шу боис семинар машғулотини ўтказишнинг олдиндан тайёрланган тематик режаси, технологик картаси ёки ўқув сценарийси ишлаб чиқилса, ўтказилаётган семинар ва амалий машғулотининг самарадорлик даражаси шунча ортади. Шу боис юридик педагогика бўйича шугулланаётган олимларнинг фикрича, ролли ўйинлардан ҳам кенг фойдаланиш лозим. Айрим манбаларда устувор бўлган фикрларга қўшилиб бўлмайди. Ролли ўйинлар фақат Жиноят-процессуал ҳуқуқи, Фуқаролик процессуал ҳуқуқи фанлари бўйича семинар ва амалий машғулотларини ўтказишда эмас, балки бизнинг фикримизча, иктисодий ва ҳакамлик процесси бўйича фуқаролик ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган низоларни ҳал этиш бўйича ҳам бундай ўқув усулларида оқилона фойдаланишга эришиш лозим.

Хорижий давлатларнинг тажрибасидан келиб чиқиб изоҳласак, Фуқаролик ҳуқуқи фанида семинар ва амалий машғулотларни олиб боришда махсус ҳуқуқий ахборот стендлари, цивилистик фаннинг етук ва атоқли намояндлари билан Фуқаролик ҳуқуқи кафедрасининг махсус ўқув-методик кабинетларида ўтказиш зарур. Бу гарчи муайян ташкилий тусга эга бўлсада, Фуқаролик ҳуқуқи фанини ўқитиш самарадорлигини оширишга ёрдам беради.

Маълумки, фуқаролик ҳуқуқи бўйича норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар сони ортиб тобора ривожланиб бормоқда. Шу боис семинар ва амалий машғулот мобайнида фуқаролик ҳуқуқи манбаларини тезкорликда қидириб топиш қандай фойдаланиш кўникмасига эга бўлиш учун Lex.uz, Yurida, Norma электрон норматив-ҳуқуқий базадан фойдаланиш кўникмасига эга бўлиш лозим. Бу эса, ўз навбатида, талабанинг фуқаролик қонун ҳужжатларини амалиётда қўллаш бўйича билимларини оширишга имконият яратади. Энг муҳими, фуқаролик ҳуқуқига оид халқаро ҳуқуқий-ҳужжатлар, хорижий давлатларнинг фуқаролик қонун ҳужжатлари тизими билан танишиш кўникмаларига эга бўлиш, фуқаролик-ҳуқуқий киёсийшунослик соҳаси бўйича муайян билимларни эгаллаш учун шароитни вужудга келтиради. Кези келганда шуни таъкидлаш керакки, бўлажак ҳуқуқшунос нафақат назарий билимга эга бўлиши, балки ҳар бир у томонидан ёзиладиган ҳуқуқни қўллаш ҳужжати грамматик ва стилистик жиҳатдан хатосиз ёзиш кўникмасига эга бўлиши керак.

References:

1. Mirziyoyev Sh. Ilm-fan yutuqlari – taraqqiyotning muhim omili. O‘zbekiston Respublikasi Prezidenti Sh.Mirziyoyevning Yangi yil arafasida 2016 yil 30 dekabr kuni mamlakatimizning etakchi ilm-fan namoyandalari bilan uchrashuvidagi nutqi // Xalq so‘zi. - 2016. - 31 dekabr.
2. Konterev P.F. Pedagogicheskiy protsess. - SPb., 1925. - S.1.
3. Buyeva L.P. Sotsiologiya i pedagogika // V st. Problemi pedagogiki. - M., 1978. - 134 s.
4. Komenskiy Ya.A. Izbr. pedagogicheskix soch. T.1. - M. - S.137, 206-263.

5. Ferber I.Ye.Ocherki vuzovskoy pedagogiki. - Saratov, 1984. - 137 s.
6. Pestalotsii I.T.Izbr. pedagogicheskiy soch. T.2. - M., 1963. - 147 s.
7. [http://belisa.org.by/ru/izd/other kadr 2006 / kadr 25](http://belisa.org.by/ru/izd/other%20kadr%202006%20/%20kadr%2025)
<<http://belisa.org.by/ru/izd/other%20kadr%202006%20/%20kadr%2025>>. html.
8. [http://belisa.org.by/ru/izd/other kadr 2006 / kadr 25](http://belisa.org.by/ru/izd/other%20kadr%202006%20/%20kadr%2025)
<<http://belisa.org.by/ru/izd/other%20kadr%202006%20/%20kadr%2025>>. html.
9. www.modelpsychology.ru/trans-722-1.html.